

Хизматлар кўрсатиш ҳақида мажбурий ШАРТНОМА _____

Тошкент ш.

«___» _____ 20__ й

МЧЖ «SOVCHI ELIT» Никоҳ вакиллиги номидан Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик «ВАКИЛЛИК» деб юритилувчи директор _____ бир томондан, кейинчалик «МИЖОЗ» деб юритилувчи фуқаро _____ иккинчи томондан, мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. ВАКИЛЛИК ўзаро ҳурмат ва махфийликни сақлаб, маданий, миллий урф-одат ва анъаналарга, шунингдек ЎзР Фуқаролик кодекси, Оила кодекси моддалари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига таянган ҳолда, МИЖОЗ учун кейинчалик расмий никоҳни қайд этиш ва оила қуриш мақсадида унинг ёзма хоҳиши ва истагига биноан (ёки унинг номидан оила-азолари, яқинлари) унга мос ҳамроҳни излаш бўйича, унинг истагига биноан, пуллик хизматларни кўрсатади.

1.2. Мижозга ҳамроҳ излаш бўйича ВАКИЛЛИК томонидан кўрсатиладиган хизматлар пуллик ҳисобланади. Микдори прејскурантга биноан ёки келишув асосида бўлиши мумкин.

1.3. ВАКИЛЛИК томонидан хизматлар Ўзбекистон фуқаросига, миллатидан катъий назар, 19 дан 70 ёшгача бўлган лаекатли эркек ва аёл жинсидаги мижозларга кўрсатилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. МИЖОЗ:

Шахсан ўзи (ёки унинг манфаатида ота-онаси, васийликка олганлар, қариндошлари) Вакилликка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- биометрик фуқаролик паспорти (асли ва нусхаси) ;
- шартнома имзоланаётган вақтда никоҳда турмаслигини тасдиқловчи ҳужжат;
- психоневрологик ҳамда наркологик диспансерлардан соғлиги ҳақида маълумотнома;
- судланганлик ҳақида маълумотнома (эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар ҳақида, оғир жиноятлар содир этган шахсларга хизматлар каттиян кўрсатилмайди);
- бутун бўйига ва портрет тарзида олинган яхши сифатдаги 2та сурат (10x15);
- никоҳдан ажрашган мижозлар учун суд ёки ФХДЁнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги қарори (асли ва нусхаси);
- шартнома нархининг 100% туловини амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- **ВАКИЛЛИК** тақдим этган анкетада маълумотларга ишончлилик маъсулиятини шахсий кафолатлаган ҳолда тўлиқ ва батафсил тўлдириши шарт;
- Булажак ҳамроҳлик номзодини кадр қимматини ва шанини, учинчи шахсни ва шахсан вакиллик ҳурматига путур етказувчи ва гаразли ниятда унинг хизматларидан ва маълумотларидан фойдаланиш каттиян ман этилади;
- мазкур **ВАКИЛЛИК** хизматларидан бошқа **МИЖОЗ**лар фойдаланишлари учун тўсқинлик қилувчи маълумот тарзида фойдаланмаслиги шарт;
- МЧЖ «SOVCHI ELIT» Никоҳ вакиллигининг шаъни, кадр-қиммати ва ишбилармонлик обрўсига путур етказувчи бу ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этилган тақдирда, МИЖОЗ ЎзРнинг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- **ВАКИЛЛИК**ни ўз вақтида (10 кундан кеч бўлмаган муддатда) шахсий ҳаётидаги ўзгаришлар (уйланиш, турмушга чиқиш, чет элга сафар қилиш ва ҳоказо), уй манзили ва телефон рақамидаги ўзгаришлар ҳақида огоҳлантириши шарт;
- Юқорида қайд этилган сабаблар бўйича,анкетада қайд этилган ташқи, жисмоний, маънавий-ахлоқий ва бошқа хусусиятлар бўйича ўз тахминларига ўхшаш бўлган ҳамроҳни саралаш вазифасини бажаришда,анкетадаги малумотлардан фойдаланишга ВАКИЛЛИККА шахсий руҳсатини беради;

- тахмин қилинаётган умр йўлдошликка номзод билан учрашув ҳамда танишув жойи ва шаклини танлашга ҳақли;
- миждознинг истаклари ва маълумотларини инобатга олиб, шахсий анкета бўйича ВАКИЛЛИК томонидан тавсия этилган маълумотлар базаси билан танишишга ҳақли;
- истаган пайтда мазкур шартномани бекор қилишга ҳақли, бу эса **ҳаражат ўрнини қопламаган ҳолда ВАКИЛЛИК**нинг маълумотлар базасидаги ахборотдан фойдаланиш имконидан махрум қилишга олиб келади.

2.2. ВАКИЛЛИК:

ВАКИЛЛИК ташқи, жисмоний ва бошқа хусусиятлар бўйича **МИЖОЗ**нинг анкетасида қайд этилган тахминларга ўхшаш ҳамроҳни саралаш бўйича хизматларни бажариши шарт;

- миждоз томонидан тақдим этилган ҳужжатларни синчиклаб ўрганишга ва ҳаққонийлигига шубҳа уйғонган тақдирда, шубҳаларни рад этиш учун кўшимча ҳужжатли маълумотни талаб қилишга ҳақли, акс ҳолда **МИЖОЗ** билан шартномани бекор қилишга ҳақли;
- худди шундай хизматларни шахсий истакларини билдирган ҳолда бошқа шахарликлар ва чет элда вақтинча бўлиб турган ЎзР фуқароларига ҳам кўрсатади (алоқа қариндошлар **ВАКИЛЛИК** сайти орқали булиши мумкин);
- **МИЖОЗ**нинг саволлари бўйича мазкур шартнома доирасида маслаҳатлар бериши шарт;
- **МИЖОЗ**нинг истакларига мос номзодларни излаш, ҳар икки тараф истаклари мос келганида **МИЖОЗ**ни аввалдан сараланган анкеталар билан таништириши шарт;
- **МИЖОЗ**нинг шаъни ва кадр-қимматини таққирловчи маълумотни ошкор этмаслиги шарт.
- **МИЖОЗ**нинг талаб еки эҳтиёжига кура Вакиллик рухшунос хизматини тақдим этиш имкониятига эга. Биринчи консултация учун тулов нархи хизмат курсатиш учун туланган сумма ичига киради.

- Мулоқот чоғида **Мижозга нисбатан шахсий ишончсизлик намоён бўлса, масалан: бажариш имконсизлиги аниқ бўлган шартлар қўйилганида, шубҳали ҳужжатлар тақдим этилганда, шартномада белгиланган шароитларга кўнмаганда ва х. , Вакиллик уни номзодини қайд этишмасликка ҳақли.**

III. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур Шартномага мувофиқ **МИЖОЗ** **ВАКИЛЛИК** ҳисоб рақамига тасдиқланган нарх Прейскуранти бўйича тўлов тўлаши лозим.

3.2. Тўлов **МИЖОЗ** томонидан 100% миқдорида олдиндан нақд пул ёки нақдсиз тўлов шаклида шартнома имзоланган кундан бошлаб амалга оширади.

3.3. Маблаг **ВАКИЛЛИК** ҳисоб рақамига келиб тушгандан сунггина миждоз билан келишилган шартларни бажаришга киришади.

IV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

ВАКИЛЛИК

4.1. **МИЖОЗга** уларнинг истакларини инобатга олган ҳолда тугри келаг ҳамроҳлар ҳақида маълумотлар тақдим этади.

4.2. Шартномада белгиланган мддат ичида **ВАКИЛЛИК** **МИЖОЗга** коникарли натижа булишини қафолат кила олмади.

Бундай ҳолларда кайтадан икки томонлама келишилган ҳолда янги шартнома тузилади.

4.3 Никох тузилган булса, миждоз 3 ой муддат ичида уз ҳужжатларини кайтариб олиши шарт. Акс ҳолда Вакиллик **МИЖОЗ**нинг ҳужжат ва расмларини йук қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. **МИЖОЗ** ҳақидаги маълумотларни ва **МИЖОЗга** тақдим этилаётган хизматлар ҳақида Давлат муассасалари томонидан талаб қилинса, **ВАКИЛЛИК** бундай маълумотни бериши мумкин.

4.5. **ВАКИЛЛИК** ЎзР қонунчилиги ҳамда Халқаро ҳуқуқий коидалар билан тақиқланган одам савдоси, фоҳиша етказиб бериш ва шу тарздаги ўзга фаолиятлар билан шуғулланмайди.

4.6. Ушбу шартнома асосида тузилган прејскурант шартноманинг узлуксиз қисми ҳисобланади.

4.7. Шахс тўғрисидаги маълумотларни ишлатилиши учун Рухсатнома Куйидаги хужжатга асосланган ҳолда мен, _____, Совчи Элит никоҳ агентлиги мутахассисига ўзим ҳақимдаги маълумотларни мақсадли ишлатилиши учун тақдим этаман.

Менга оид шахсий маълумотлар сифатида жисмоний шахсларга таалукли бўлган ҳамда Мижоз анкетасида мен томонидан кўрсатилган ва тасдиқланган қуйидаги (миллат, ирк, келиб чиқиши, туғилган жойи ва санаси, яшаш манзили, оилавий ҳолати, оила аъзолари, касби ва иш жойи ва бошқа шахсий ҳаётга доир) маълумотлар тушунилади.

Ўзимни эркин хошим ва шахсий манфаатларим-қонуний оила тузишни кўзлаган ҳолда менинг шахсий маълумотларимни агентлик мутахассисига мақсадли ишлатиш учун, жумладан, учинчи шахсларга тақдим этишга розилигимни билдираман.

V. ТОМОНЛАРНИНГ МАЪСУЛИЯТИ

5.1. Томонлар уртасида тушунмовчиликлар вужудга келса, улар бахслар орқали хал қилишга имкон яратади.

Акс ҳолда масала тегишли судларда қурилиши мумкин, шу жумладан, ҳақкамлик судида ҳам.

5.2. ВАКИЛЛИК МИЖОЗлар томонидан берилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун, шунингдек, ВАКИЛЛИКнинг хизматлари мижоз шахсий ва бошқа мақсадда фойдаланганлиги учун _____ жавобгар _____ эмас.

5.3 Мазкур шартнома қуйидаги ҳолларда; (агар мижоз томонидан шубҳали хужжатларни Вакилликка топширганда ва шартнома бекор қилинганда) бекор қилинса МИЖОЗ амалга оширган тўловлар қайтарилмайди ва қопланмайди.

VI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1.Шартнома ВАКИЛЛИК хизматлари учун МИЖОЗ томонидан тўловлар амалга оширилган вақтдан бошлаб кучга киради ва прејскурантда белгиланган муддат давомида амал қилади.

6.2. Мазкур шартнома 2-нусхада тузилади.

VII. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

7.1. Агар ВАКИЛЛИК ва МИЖОЗ ўртасида тушунмовчилик ёки низоли мавзулар (спорный вопросы) бўлса, _____ улар тинч музокаралар орқали ечилади. Ушбу шартноманинг талаблари Давлат томонидан бекор қилинадиган хужжат тайинланса ёки фавқулодда юзага келган шароитлар туфайли (сув тошқини, ер қимираш, ёнғин ва шу кабилар) бажарилмаслиги мумкин.

VIII. РЕКВИЗИТЛАР

МЧЖ «SOVCHI ELIT» реквизитлари:

Р/С 20208000904876593001-асосий депозит ҳисоб рақами

Р/С 20208840104876593001- валюта депозити АҚШ долларарида

ОПЕРУ ЧОАББ «ТРАСТБАНК» (МФО-00491)

ИНН -301747374, ОКОНХ- 90310

Директор _____

Имзо _____

МИЖОЗнинг паспорт маълумотлари:

Ф.И.

Паспорт серия № _____

томонидан

берилган

Шартномада курсатилган барча талабларга розилигимни билдираман.

МИЖОЗ

Имзо _____
